

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАНСАБДОР ШАХСЛАРИ ТОМОНИДАН ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Мирзоев Алишер Давлатович

Қашқадарё вилояти прокурори ўринбосари

Аннотация. Мазкур мақолада давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан жисмоний ҳамда юридик шахсларга етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Муаллиф давлат органлари фаолияти натижасида келиб чиқадиган деликт мажбуриятларининг ҳуқуқий табиати, жавобгарликнинг умумий ва махсус шартлари, зарар, сабабий боғланиш ва айб каби элементларнинг аҳамиятини ёритади. Шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида етказилган зарарни қоплашнинг ҳуқуқий механизми, суд амалиётида жавобгар субъектни аниқлаш масалалари ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришнинг айрим йўналишлари кўриб чиқилган. Тадқиқот натижалари давлат ҳокимияти органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш институтини янада ривожлантириш ва фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: давлат органи, мансабдор шахс, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, деликт мажбурияти, зарарни қоплаш, сабабий боғланиш, айб, давлат жавобгарлиги, ҳуқуқбузарлик, оммавий ҳокимият.

Аннотация. В данной статье исследуются теоретические и практические аспекты гражданско-правовой ответственности за вред, причиненный государственными органами и их должностными лицами физическим и юридическим лицам. Рассматриваются правовая природа деликтных обязательств, возникающих в результате деятельности органов публичной власти, а также общие и специальные условия наступления ответственности. Особое внимание уделяется таким элементам гражданско-правовой ответственности, как вред, причинно-следственная связь и вина причинителя вреда. Анализируются особенности возмещения ущерба, причиненного незаконными действиями (бездействием) государственных органов и должностных лиц, вопросы определения надлежащего ответчика в судебных спорах, а также перспективы совершенствования действующего законодательства. Сделан вывод о необходимости дальнейшего развития

механизма защиты прав граждан и юридических лиц в сфере возмещения вреда, причиненного публичной властью.

Ключевые слова: государственный орган, должностное лицо, гражданско-правовая ответственность, деликтное обязательство, возмещение вреда, причинно-следственная связь, вина, ответственность государства, правонарушение, публичная власть.

Abstract. This article examines the theoretical and practical aspects of civil liability for damage caused by state authorities and their officials to individuals and legal entities. The study analyzes the legal nature of tort obligations arising from the activities of public authorities, as well as the general and special conditions for imposing civil liability. Particular attention is paid to such essential elements as damage, causation, and fault. The article also explores the legal mechanism for compensation of damage resulting from unlawful actions or omissions of state bodies and officials, issues related to identifying the proper defendant in judicial proceedings, and prospects for improving existing legislation. The study concludes that further development of the legal framework governing compensation for damage caused by public authorities is necessary to ensure effective protection of the rights and legitimate interests of individuals and legal entities.

Keywords: state authority, public official, civil liability, tort obligation, compensation for damage, causation, fault, state liability, unlawful act, public authority.

Ҳозирги вақтда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик билан боғлиқ масалалар фуқаролик ҳуқуқи соҳасидаги энг долзарб ва кенг муҳокама қилинаётган йўналишлардан бири ҳисобланади. Шартномадан ташқари жавобгарлик институтлари орасида қонун чиқарувчи томонидан алоҳида аҳамиятга эга бўлган махсус деликтлар ажратиб кўрсатилган бўлиб, улар қаторига давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик ҳам киради. Давлат органлари ўзларига юклатилган вазифа ва ваколатларни амалга ошириш жараёнида жисмоний шахсларга моддий ёки маънавий зарар, юридик шахсларга эса мулкӣ зарар етказиши мумкин. Бундай ҳолатларда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик вужудга келади ва етказилган зарарни қоплаш зарурати вужудга келади¹.

Давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик деликт жавобгарлигининг махсус турларидан бири сифатида эътироф этилади. Мазкур муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш фуқаролик қонунчилигининг тегишли нормалари орқали амалга оширилади. Шунини таъкидлаш лозимки, ушбу қоидалар конституциявий қафолатлар ҳамда

¹ Бабаков В. А. Участие государства в гражданских правоотношениях // Ученые записки Казанского университета. Серия Гуманитарные науки. 2015. – Том 157, кн. 6. – С. 90–97.

фуқароларнинг давлат органларининг гайриқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида етказилган зарарни қоплатиш ҳуқуқини таъминловчи нормалар асосида шаклланган. Илгари амалда бўлган қонунчиликда фақат давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун жавобгарлик назарда тутилган бўлса, кейинчалик мазкур институтнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди.

Давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик юзага келиши учун зарар мансабдор шахс томонидан ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида келтирилган бўлиши талаб этилади. Бошқача айтганда, давлат хазинаси ҳисобидан зарарни қоплаш фақат мансабдор шахс ўз ваколатлари доирасида ҳаракат қилган ёки ҳаракатсизликка йўл қўйган ҳолларда амалга оширилади. Агар зарар унинг хизмат вазифалари билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатлари натижасида келиб чиққан бўлса, бундай ҳолат мазкур махсус жавобгарлик қоидалари доирасига кирмайди.

Таҳлил қилинаётган ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларга нисбатан ҳам деликт жавобгарлигининг умумий шартлари, ҳам қонун билан белгиланган махсус шартлар бир вақтнинг ўзида қўлланилади. Ҳар қандай ҳуқуқий жавобгарликнинг асосида ҳуқуқбузарлик ётади. Айнан ҳуқуқбузарлик таркибининг мавжудлиги жавобгарлик чораларини қўллаш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Фуқаролик ҳуқуқида зарар етказишдан келиб чиқадиган деликт мажбуриятлари бир қатор муҳим вазифаларни бажаради. Улар қаторига компенсациявий, жазоловчи ва профилактик функциялар киради. Мазкур функциялар деликт ҳуқуқи нормаларининг ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатишининг асосий шакллари ифода этади. Улар орасида компенсациявий функция етакчи аҳамият касб этади, чунки деликт мажбуриятларининг асосий мақсади жабрланувчининг бузилган мулкӣ ҳамда шахсий номулкӣ ҳуқуқларини мумкин қадар тўлиқ тиклашдан иборат. Жазоловчи функциянинг аҳамияти эса замонавий фуқаролик қонунчилигида аста-секин камайиб бормоқда. Шу билан бирга, айбсиз жавобгарлик ҳолатларининг қўлланиш доираси кенгайиб бораётгани кузатилмоқда.

Фуқаролик қонунчилиги мазмунидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, зарарнинг мавжудлиги деликт мажбурияти вужудга келишининг асосий шarti ҳисобланади. Бироқ жавобгарликни юклаш учун бунинг ўзи етарли эмас. Зарар етказувчининг хатти-ҳаракати билан юзага келган салбий оқибат ўртасида сабабий боғланишнинг мавжудлиги ҳамда зарар етказувчининг айби аниқланиши лозим. Фуқаролик ҳуқуқида айб мавжудлиги, одатда, презумпция қилинади, яъни аксини исботлаш мажбурияти зарар етказувчининг зиммасига юклатилади. Ушбу шартлар умумий шартлар сифатида баҳоланади, чунки қонун ҳужжатларида

бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, улар барча ҳолатларда қўлланилади. Умумий қоидага кўра, зарар етказувчининг айби мавжуд бўлган тақдирдагина зарар қопланади. Шу билан бирга, махсус шартлар сифатида зарар етказувчининг ҳукукий мақоми ва у амалга ошираётган фаолиятнинг хусусияти ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур шартларнинг ҳар бири алоҳида таҳлилни талаб қилади. Энг аввало, давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни қоплаш учун зарарнинг ўзи реал равишда мавжуд бўлиши керак. Агар зарар юзага келмаган бўлса, уни қоплаш ҳақида сўз юритиш мумкин эмас. Ҳуқуқ назариясида қабул қилинган таснифга мувофиқ, зарар моддий ва маънавий турларга бўлинади. Моддий зарар мулкӣ манфаатларнинг камайиши ёки йўқотилишида намоён бўлса, маънавий зарар шахснинг руҳӣ изтироблари, қадр-қиммати, шаъни ёки бошқа шахсий номулкӣ неъматларига путур етказилиши билан боғлиқ бўлади.

Зарар давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида келиб чиқиши мумкин. Бунда бундай хатти-ҳаракатлар албатта ҳуқуққа хилоф хусусиятга эга бўлиши ва жабрланувчининг субъектив ҳуқуқларини бузиши лозим. Ҳуқуққа хилоф ҳаракат билан ҳуқуққа хилоф ҳаракатсизлик ўртасида муайян фарқ мавжуд. Агар шахс қонун билан тақиқланган ҳаракатни содир этса, бу ҳуқуққа хилоф ҳаракат сифатида баҳоланади. Аксинча, қонун ҳужжатлари билан юклатилган мажбуриятни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ҳуқуққа хилоф ҳаракатсизликни англатади. Кўриб чиқиляётган муносабатларда мазкур икки ҳолатнинг яқуний натижаси бир хил бўлиб, у ҳам бўлса жабрланувчига муайян зарар етказилишидир².

Ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат билан юзага келган зарар ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарликни белгилашдаги энг мураккаб босқичлардан бири ҳисобланади. Мазкур ҳолатни баҳолаш ва унинг мавжудлигини аниқлаш, одатда, суд органлари томонидан амалга оширилади. Сабабий боғланишни белгилаш жараёнида, аввало, зарарнинг қачон вужудга келганлиги аниқланади. Зарар ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этилганидан кейин келиб чиққан бўлиши лозим. Шу билан бирга, суд томонидан ғайриқонунӣ хатти-ҳаракат билан келиб чиққан оқибат ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳам текширилади. Бошқача айтганда, айнан ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик зарарнинг юзага келишига сабаб бўлганлиги исботланиши талаб этилади.

² Бочаров А. Н. Соотношение компенсации морального вреда и компенсации ущерба, причиненного правомерными действиями: общетеоретические вопросы // Наука и образование: хозяйство и экономика; предпринимательство; право и управление. 2018. – № 8 (99). – С. 86–88.

Илмий адабиётларда таъкидланишича, давлат ҳокимияти тизимининг мураккаб ташкилий тузилмаси сабабий боғланишни аниқлашни янада қийинлаштиради³. Айрим ҳолатларда зарар бир вақтнинг ўзида бир нечта давлат органлари ёки турли мансабдор шахсларнинг ҳуқуққа зид ҳаракатлари натижасида юзага келиши мумкин. Бундай вазиятларда ҳар бир субъектнинг зарар келиб чиқишидаги ўрни ва таъсир даражасини белгилаш суд амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларини фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқбузарлик таркибининг барча элементлари мавжуд бўлиши шарт. Агар мазкур элементлардан ҳеч бўлмаганда биттаси мавжуд бўлмаса, суд зарарни қоплаш тўғрисидаги талабни қаноатлантиришни рад этиши мумкин. Демак, ҳуқуқбузарлик таркибининг тўлиқ шаклланганлиги жавобгарликни қўллашнинг асосий ҳуқуқий шарти ҳисобланади.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг махсус шартлари қаторига бошқа махсус ҳолатлар билан бирга давлат ҳокимияти ваколатларини амалга ошириш жараёнида қабул қилинган мажбурий тусдаги ҳужжатлар ҳам киради. Масалан, ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни ноқонуний равишда рад этиш, суд ижрочиларининг ўз вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги каби ҳолатлар махсус шартлар сифатида баҳоланади. Бунда давлат органлари томонидан қабул қилинадиган ҳокимият актлари, одатда, буйруқ бериш ёки кўрсатма бериш хусусиятига эга бўлади⁴.

Суд амалиётида алоҳида таъкидланишича, бажарилиши мажбурий бўлган бундай ҳокимият акти тегишли давлат органининг ҳар қандай ходими томонидан эмас, балки қонун билан ваколат берилган мансабдор шахс томонидан қабул қилиниши лозим. Чунки айнан мансабдор шахс давлат ҳокимияти ваколатларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиб, унинг қарорлари ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг яна бир муҳим жиҳати суд ишларида тегишли жавобгар шахсни тўғри белгилаш билан боғлиқ. Суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида

³ Голубцова Ю.А. Соотношение вины и противоправного поведения в гражданском праве // Вестн. Волгogr. гос. ун-та. Сер. 5: Юриспруд, 2015. – № 2 (27). – С. 88–90.

⁴ Пальчикова С. И., Саркисян С. М. Ответственность государства за причинение вреда // Сборник статей и тезисов докладов II региональной научно-практической конференции, посвященной Дню Конституции Российской Федерации. 2017. — С. 238–245.

етказилган зарарни қоплаш мажбурияти бевосита давлатнинг ўзига, яъни оммавий-ҳуқуқий тузилмага юклатилади. Шу сабабли давлат органининг ўзи ёки муайян мансабдор шахс мазкур мажбурият бўйича мустақил қарздор сифатида эмас, балки давлат номидан ҳаракат қилувчи субъект сифатида қаралади.

Бошқача айтганда, зарарни қоплаш тўғрисидаги даъволарни кўриб чиқиш жараёнида жавобгар сифатида тегишли давлат бюджети маблағларининг бош тақсимловчиси иштирок этади. У давлат ёки бошқа оммавий-ҳуқуқий тузилма манфаатларини ифода қилади ҳамда зарарни қоплаш мажбуриятини амалга оширади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий ўзига хос хусусиятларини қуйидагича умумлаштириш мумкин.

Биринчидан, зарар жисмоний ёки юридик шахсга зарар етказувчининг ҳуқуққа хилоф ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида келтирилган бўлиши шарт.

Иккинчидан, жавобгарликни белгилашда давлат органлари ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳар қандай ходими эмас, балки мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Учинчидан, зарар давлат бошқаруви ва маъмурий-ҳокимият муносабатлари соҳасида амалга оширилган ваколатлар доирасида келтирилган бўлиши лозим.

Тўртинчидан, зарар фақат мансабдор шахс ўз хизмат вазифалари ва ваколатлари доирасида фаолият юритган вақтда келтирилган бўлсагина давлат ҳисобидан қопланади.

Бешинчидан, ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат билан келиб чиққан зарар ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлиши шарт.

Олтинчидан, зарар етказувчининг айби фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади ва қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, жавобгарликни белгилашда эътиборга олинади⁵.

Мазкур белгилар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик институтининг ҳуқуқий табиатини очиқ беришга ҳамда уни бошқа деликт жавобгарлиги турларидан фарқлашга хизмат қилади.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда, қуйидаги хулосаларни билдириш мумкин.

Аввало, амалдаги суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, судлар йўқотилган фойдани ундириш ҳақидаги талабларни қаноатлантиришга нисбатан

⁵ Андреев Ю.Н. Ответственность государства за причинение вреда: цивилистические аспекты. – СПб. Юридический центр «Пресс», 2013. – 310-315 с.

анча эҳтиёткор ёндашмоқда. Бунга асосий сабаб сифатида жабрланувчилар томонидан тақдим этиладиган далилларнинг етарли даражада мустаҳкам эмаслиги ва йўқотилган фойда миқдорини аниқ исботлашнинг мураккаблиги кўрсатилмоқда. Бироқ ҳуқуқий давлат тамойилларидан келиб чиқиб, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилишини ҳисобга олганда, шунингдек, шахсни қонунга ҳилоф равишда озодликдан маҳрум қилиш инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш билан бир қаторда энг оғир ҳуқуқбузарликлардан бири эканлигини назарда тутганда, жабрланувчиларнинг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш зарурати мавжуд.

Шу нуктаи назардан, давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан етказилган зарарни қоплаш билан бир қаторда, жабрланувчи фойдасига қўшимча компенсация тўлаш имкониятини қонунчиликда назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундай ёндашув фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини янада самарали тиклашга хизмат қилади ҳамда давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан ҳуқуқий назоратнинг таъсирчанлигини оширади. Шунингдек, мазкур ўзгартишларнинг қонунчиликка киритилиши давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан етказилган зарарни қоплаш институтининг ҳуқуқни қўллаш механизмини такомиллаштиришга, суд амалиётининг бир хиллигини таъминлашга ва жабрланувчилар манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, фуқаролик қонунчилигидаги муҳим янгиликлардан бири давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг қонуний ҳаракатлари натижасида етказилган зарарни қоплашга оид қоидаларнинг жорий этилганлигидир. Мазкур норма деликт мажбуриятлари институтининг янги йўналишини шакллантирди. Унинг аҳамияти шундаки, эндиликда нафақат ноқонуний, балки муайян ҳолатларда қонуний ҳаракатлар натижасида ҳам шахсга ёки унинг мол-мулкига, шунингдек юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарар учун компенсация тўлаш имконияти назарда тутилади⁶.

Ушбу ҳуқуқий механизм оммавий ҳокимият органлари томонидан амалга ошириладиган қонуний бошқарув фаолияти айрим ҳолларда фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини эътироф этади. Шу сабабли қонун чиқарувчи зарарни қоплаш мажбуриятини нафақат давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига,

⁶ Морозова Е.А. Особенности гражданско-правовой ответственности за вред, причиненный государственными органами и их должностными лицами, в определенных сферах государственной деятельности // Молодой ученый. 2020. – № 8 (298). – С. 175-177. – URL: <https://moluch.ru/archive/298/67608>.

балки давлат томонидан муайян ҳокимият ваколатлари берилган бошқа субъектларга нисбатан ҳам татбиқ этиш имкониятини белгилаган.

Бироқ мазкур норманинг амалда самарали қўлланилишига тўсқинлик қилаётган айрим муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, фуқаролик қонунчилигида зарари қопланиши лозим бўлган ҳаракатларни содир этиши мумкин бўлган субъектларнинг аниқ доираси белгиланмаган. Шунингдек, мазкур субъектларнинг ҳуқуқий мақоми ва уларга нисбатан зарарни қоплаш қоидаларини қўллаш тартиби етарли даражада аниқлаштирилмаган. Натижада ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича ёндашувлар юзага келиши ва суд қарорларида бир хилликнинг бузилиши эҳтимоли сақланиб қолмоқда.

Шу муносабат билан, ҳуқуқни қўллаш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган коллизиялар ва турли хил талқинларнинг олдини олиш мақсадида мазкур нормани кўшимча ҳуқуқий аниқлик киритувчи қоидалар билан бойитиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу эса зарарни қоплаш институтининг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқий аниқлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда шахс ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Бабаков В. А. Участие государства в гражданских правоотношениях // Ученые записки Казанского университета. Серия Гуманитарные науки. 2015. – Том 157, кн. 6. – С. 90–97.
2. Бочаров А. Н. Соотношение компенсации морального вреда и компенсации ущерба, причиненного правомерными действиями: общетеоретические вопросы // Наука и образование: хозяйство и экономика; предпринимательство; право и управление. 2018. – № 8 (99). – С. 86–88.
3. Голубцова Ю.А. Соотношение вины и противоправного поведения в гражданском праве // Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 5: Юриспруд, 2015. – № 2 (27). – С. 88–90.
4. Пальчикова С. И., Саркисян С. М. Ответственность государства за причинение вреда // Сборник статей и тезисов докладов II региональной научно-практической конференции, посвященной Дню Конституции Российской Федерации. 2017. — С. 238–245.

5. Андреев Ю.Н. Ответственность государства за причинение вреда: цивилистические аспекты. – СПб. Юридический центр «Пресс», 2013. – 310-315 с.

6. Морозова Е.А. Особенности гражданско-правовой ответственности за вред, причиненный государственными органами и их должностными лицами, в определенных сферах государственной деятельности // Молодой ученый. 2020. – № 8 (298). – С. 175-177. – URL: <https://moluch.ru/archive/298/67608>.